O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 15-IYUL ■ PAYSHANBA ■ 84 (27.259) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 июль куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё масалалари бўйича ёрдамчиси Элизабет Жонсни қабул қилди.**

— Биз АҚШ билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдоримиз, — деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда. — Бу Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мосдир.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

АҚШ Ўзбекистоннинг йирик савдо шерикларидандир. 2003 йили бу мамлакат билан ўзаро савдо ҳажми 335,2 миллион долларга тенг бўлди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 124 фоиз ошди. АҚШнинг йирик компаниялари ва молия муассасалари Ўзбекистондаги умумий қиймати 2 миллиард 383 миллион долларлик 24 лойиҳада иштирок этмоқда. Бу лойиҳалар тоғ-кон, нефть-газ, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати ҳамда транспорт инфратузилмаларининг технологик базасини ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистонда америкалик ишбилармонлар иштирокида тузилган 316 корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг юзга яқини тўла АҚШ сармояси билан ташкил этилган.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни янада ривожлантиришга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳамда Афғонистондаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Р.ҚОСИМЖОНОВНИ АМИР ТЕМУР ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шахмат бўйича 2004 йил жаҳон биринчилигида ғолибликни қўлга киритиб, халқимизга хос юксак интеллектуал салоҳият, мардлик ва жасорат намунасини амалда намоён этгани, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этишга қўшган улкан ҳиссаси учун Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2004 йил 14 июль




## МИЛЛАТИМИЗ, ХАЛҚИМИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ҒАЛАБА!

**Ислом КАРИМОВ:**

***Қадрли Рустамжон ўғлим!***

***...Сен эришган бу беқиёс ғалаба мамлакатимиздаги барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга чексиз қувонч ва ғурур-ифтихор бағишлайди.***

✧✧✧

**2004 йил 13 июлни эслаб қолинг, ҳамиша ёдда тутинг! Шу куни ўзбекистонлик ёш шахматчи Рустам Қосимжонов номи дунёга достон бўлди.**

**Рустам Қосимжонов мамлакатимиз тарихида ҳеч ким эришмаган энг юксак унвонга сазовор бўлган ноёб истеъдод соҳибидир.**

✧✧✧

**Ҳамюртимиз, ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони!**

**Бу ғалаба миллатимизнинг, Ватанимизнинг буюк, тарихий ғалабаси!**

**Рустам Қосимжонов фахримиз, ифтихоримиз!**

**Рустам Қосимжоновнинг ғалабаси биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизнинг яна бир ёрқин намунасидир!**

Бугун ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, эҳтиросларга берилсак арзийди, албатта. Бугун нафақат Рустамжоннинг, балки ҳар биримизнинг бошимизда, Ўзбекистонимиз бошида дунё шахмат тожи порлаб турибди! Бу ғалаба ҳаммамизга муборак бўлсин!



Рустам ҚОСИМЖОНОВ 1979 йил 5 декабрда Тошкентда туғилган. 5 ёшидан шахмат ўйнайди. Ёшлар ўртасида Ўзбекистон (1990) ва Осиё (1994, Доха) чемпиони, жаҳон биринчилигида икки бор бронза медали соҳиби (1994, Сегед, 1995, Гуарпуова). Катталар ўртасида Ўзбекистон (1997, 2000) ва Осиё (1998, Теҳрон) чемпиони. Жаҳон кубогида 2-ўринни эгаллаган (2002, Деҳли), Жаҳон чемпиони (2004, Триполи). Жамоа таркибида Осиё шаҳарлари клублари чемпионати ғолиби (1996, Дубай), Осиё чемпиони (1999, Хитой), жаҳон шахмат олимпиадасида биринчи тахтада бронза медали билан тақдирланган (2000, Истанбул). Кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб чиққан.

Халқаро гроссмейстер (1997). «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони (1998) ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони (2001) билан мукофотланган.

**2004 ЙИЛ 13 ИЮЛЬ, ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!**

4-бет

*Муносабат*

## ЮКСАК ҒАЛАБАГА МУНОСИБ МУКОФОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан куни кеча шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган шарафли унвонни қўлга киритган Рустам Қосимжоновнинг Ватанимизнинг юксак мукофоти — Амир Темур ордени билан тақдирлангани жамоатчилигимиз, халқимиз кўнглидаги иш бўлди. Ёш ўзбек гроссмейстерининг буюк саркарда ва давлат арбоби, соҳибқирон бобомиз номи билан аталадиган олий мукофотга сазовор бўлганида ўзига хос рамзий маъно бор.

Авваламбор, дунё шахмат оламида катта обрў-эътибор қозонган юртдошимиз эришган бу улкан ғалаба Амир Темур каби мумтоз сиймонинг «Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз?» деган даъваткор сўзларини беихтиёр ёдга солади. Чунки Рустам Қосимжоновдек юксак ақл-заковат, мустаҳкам ирода ва шижоат соҳиблари бой тарих ва бетакрор маданиятга, теран маънавий илдизларга эга бўлган, ўз аждодларининг беқиёс меросини асраб-авайлаб, уни янада бойитиш, ривожлантиришга интилиб яшайдиган халқ орасидан етишиб чиқиши яхши маълум.

Бошқача айтганда, не-не буюк зотлар учун муқаддас бешик бўлган қадимий заминимиздан соҳибқирон Амир Темурдек буюк шахснинг етишиб чиққани бежиз бўлмаганидек, Рустам Қосимжоновнинг айнан ўзбек диёрида туғилиб, камол топгани, жаҳон шахмат тожини қўлга киритгани ҳам тасодиф эмас. Бу ғалабани аввало она юртимизда қадимдан мавжуд бўлган маданий муҳит, юксак тафаккур мактабининг мантиқий ҳосиласи, деб қабул қилсак, ўринли бўлади.

Шу борада Амир Темур бобомизнинг ўзи ҳам шахмат илмини пухта эгаллагани, оғир вазиятларда, кўпгина мураккаб муаммоларни ҳал этишда ноёб мўъжиза бўлмиш шахмат санъати унга руҳий мадад ва кўмак берганини айтиб ўтиш жоиз.

Буюк соҳибқирон бобомизнинг Ватанимиз ва халқимиз озодлиги йўлида олиб борган курашларида, қудратли давлат барпо этиш, эзгулик ва бунёдкорлик борасидаги улкан ишларида илму фан, санъат, жумладан, шахмат ҳам унинг ақл-идрокини чархлайдиган ўзига хос бир восита бўлганини кўпгина тарихий мисолларда кўриш мумкин.

Улуғ бобомизга мансуб ана шундай теран тафаккур, мардлик ва жасорат фазилатларини намоён этган Рустам Қосимжонов гўзал ва бетакрор юртимиз — Ўзбекистонимиз номини бутун дунёга тараннум этди, жаҳон жамоатчилиги томонидан шахмат қироли, деб тан олинди.

Ливия пойтахти олис Триполи шаҳрида дунёнинг 56 мамлакатидан келган 128 нафар манаман деган шахмат усталари иштирокида ўтган кескин ва машаққатли беллашувлар пайтида Рустамни Амир Темур каби буюк аждодларимизнинг ўлмас руҳлари ҳам қўллаб-қувватлаган бўлса, ажаб эмас.

Барчамиз неча йиллардан буён орзиқиб кутган бу тарихий ғалаба халқимиз, аввало униб-ўсиб келаётган ёшларимизни мана шундай улуғвор ишлар, юксак марралар сари руҳлантиради, уларнинг ўз кучи ва салоҳиятига, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бу юксак мукофот тобора кучга тўлиб, билим ва тажрибаси ортиб бораётган Рустам Қосимжоновни янги-янги ғалабаларга чорлаши, илҳомлантириши шубҳасиз. Биз шахмат бўйича 2004 йил жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновга Амир Темур бобомизга хос фазилатлар ҳамиша ёр бўлишини тилаймиз.

Шу кунларда Давлат спорт қўмитаси, матбуот, радио ва телевидение таҳририятларига, чемпионимиз номига келаётган минглаб табрик ва қутловларда ана шундай эзгу тилаклар мужассам.

**(ЎзА)**

## ШАХМАТ ТОЖИ МУБОРАК БЎЛСИН!

**Мустақил Ўзбекистон фарзанди, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди, деган хушхабар қалбларимизни ғурур ва фахрланиш туйғулари билан тўлдирди.**

**Биз бу улкан ғалаба билан Рустамжонни, унинг оила аъзолари, устозлари ва бутун халқимизни чин юракдан табриклаймиз!**

**Аллоҳ таоло элу юртимизга бундай ғалабаларнинг кўпини насиб айласин!**

***Ўзбекистон Халқ демократик партияси***
***Марказий Кенгаши Котибияти***

*Халқ демократик партияси ҳаётидан*

## ЭЛЧИ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Улукбек Чиналиев ташриф буюрди. Меҳмонни Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов қабул қилди. Ўзбекистон ХДП раҳбари партиянинг ҳозирги фаолияти, жорий йилнинг декабрида бўлиб ўтадиган ялпи сайловларга тайёргарликнинг бориши тўғрисида сўзлаб, меҳмонни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Қирғизистон Республикасининг элчиси ўз мамлакатидаги аҳвол ва унда кечаётган сиёсий жараёнлар тўғрисида батафсил гапирди, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга ижобий баҳо берди. У давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар келажакда янада ривож топишига ишонч билдирар экан, бунга халқ дипломатияси ҳам, агар уни қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб турилса, кўмак бериши мумкинлигини таъкидлади.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

## ИСТИҚЛОЛ БАДИАЛАРИ

**Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта тарихий хотира керак.**

Президентимизнинг бу пурмаъно сўзларида жуда катта мазмун мужассамлашган. Фақат тарихгина бугуннинг йўлларини нурафшон этади. Мозий қаъридаги ҳақиқатлар, буюк аждодлар қудрати ёшларимиз қалбида акс-садо беради. Елкамизга ворислик масъулияти тушади. Тарих миллатга тўғри йўл кўрсатувчи, хатолардан хулоса чиқаришга, ўз қадим илдизларини англашга ундайдиган ягона куч.

**Тарих — халқ маънавиятининг асосидир.**

Уни англаш ўзлигимизни билиш йўлидаги уриниш эканлигини ҳис этмоғимиз зарур.

Таҳририятимиз яқинлашиб келаётган мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан **«Истиқлол бадиалари»** туркумида миллат тарихида муҳим ўрин тутган қадим шаҳарларимиз, уларда яшаб ижод этган халқимизни жаҳон олдидаги фахр ғururига айланган улуғ боболаримиз, уларнинг бугунги давомчилари ҳақидаги туркум мақолаларни эълон қилишни бошлади. Унинг биринчиси «Кеш кабирлари» ҳукмингизга ҳавола этилаётир.

2-бет

## ЯНГИ МАРКАЗ

**НАВОИЙ. (ЎзА мухбири Ёрқул Умар).** Вилоят марказида вилоятлараро маълумотларни тармоққа узатиш маркази иш бошлади. Вилоят гидрометеорология бошқармаси ҳузурида ташкил этилган мазкур марказ метеорологларнинг ишини икки-уч баравар осонлаштирди. Марказ Бухоро вилоятининг уч, Навоий вилоятининг олти метеостанциясига хизмат кўрсатади.

## ҒАЛАБА!

*Яна нима керак:*
*Жаҳон майдонига чиқди бир ўзбек,*
*Тупроқ томларимда улғайган лолам.*
*Бутун юрт бир қуёш,*
*Бир порлоқ юздек,*
*Жингалак сочингдан айланай, болам!*

*Азал ор-номусдан келган юртим-ей,*
*Бу оқшом бир яйраб,*
*Яшнаб юрдим-ей!*
*Ким айтди:*
*Ташна-ю зор юрганлармиз?*
*Жаҳон майдонида от сурганлармиз.*
*От сурган қўлингдан айланай, болам,*
*Ўзбекча кулгунгдан айланай, болам!*

*«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз» каломи,*
*Ҳикмат давомидай унинг давоми,*
*Эврилиб Ватанга тимсоллар бўлгай,*
*Фарзандлари ғолиб инсонлар бўлгай.*

*Ному нишонангдан айланай, болам,*
*Ёруғ пешонангдан айланай, болам!*

*Темур бобо солган қўрғонларгача,*
*Анҳоринг, сен ўсган айвонларгача,*
*Ўйлади ҳаққингга дуолар айлаб,*
*Сингиллардан тортиб султонларгача.*
*Шон, ғурур — кўркингдан айланай, болам,*
*Туз ичган юртингдан айланай, болам!*

*Яна нима керак:*
*Буни фарзанд дейдилар!*
*Она, Ватан, фарзанд пайванд дейдилар.*
*Бу ёруғ дунёда ҳали синовлар керак,*
*Ақлу заковатлар,*
*Қалби оловлар керак.*
*Ватан ўз-ўзидан Ватан бўлмағай,*
*Милён-милён Рустам Қосимжоновлар керак!*
*Ҳаддинг, шахматингдан айланай, болам!*
*Қадду қоматингдан айланай, болам!*

**Сирожиддин САЙЙИД**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган




# КЕШ КАБИРЛАРИ

## ИСТИҚЛОЛ БАДИАЛАРИ

Юртимиздаги ҳар бир воҳа, вилоят ўзига хос хусусиятлари, урф-одатлари, удумлари, шеваси, ҳатто кийиниш маданияти билан бир-биридан ажралиб туради. Бошқалардан тубдан фарқ қилувчи воҳалардан бири Нахшаб (Қашқадарё) воҳасидир. Бу ўлканинг шимоли-шарқий томони тоғлар билан ўраб олинган бўлса, жанубий-ғарби бепоён чўл текисликларидан иборат. Нахшаб Амударё, Қашқадарё ва Зарафшон дарёларидан сув ичади. Бу диёрда минг йиллик ўз тарихига эга Буюк ипак йўлида жойлашган шаҳарлар — Қарши (Насаф) ва Шаҳрисабз (Кеш)дир. Юртимиз жанубидаги бу кўҳна кентлар Эрон босқинчилари, Александр Македонский, Ибн Қутайба лашкарларига қаттиқ қаршилик кўрсатган қалъалар ҳисобланади.

Баланд тоғлар домонидаги Кеш (Шаҳрисабз) заминида жуда кўп истеъдодли шахслар етишиб чиққани маълум. Ўзбек миллати тарихида ҳар бирининг ўз ўрни бор. Биргина бу заминда вояга етган буюк соҳибқирон Амир Темурни олиб қарайдиган бўлсак, у халқимиз фахри, ғурурига айланган. Ҳар томонлама етук инсон соҳибқирон ҳақида Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» асарида қуйидагича ёзади: «Темур Кўрагон... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анинг бир байт ўқиганини минг яхши байт айтқонча бор».

Амир Темур ёшлигидаёқ Қуръони каримни ёд билган, ўз даврида «Қуббатул илм вал-адаб» («Илму адаб қуббаси») деб ном олган Кеш (Шаҳрисабз) шаҳридаги мадрасада таҳсил олган. Амир Темурга қора бўёқ чаплаш мақсадида шўро даврида уни саводсиз, жоҳил, каллакесар босқинчи, деган тавқи лаънатлар тамғасини ёпиштиришди. Агар у саводсиз, жоҳил бўлганида дунё илм-фани пешволарини тўплаб, уларга меҳрибонликлар кўрсатармиди, дунё тургунча турадиган бинолар, иморатлар, масжиду мадраса, мақбаралар қурдирармиди, кейинчалик бу ўлкада илм-фан ривожи учун замин ҳозирлармиди?!

Агар соҳибқирон Амир Темур дунёни забт этган бўлса, жаҳонни қалам билан олган даҳолар ҳам Қашқадарё воҳасидан кўп чиққан. Ана шулардан бири ота аждоди кешлик, мўғуллар истилоси вақтида Ҳиндистонга кўчиб борган Сайфиддин Маҳмуднинг фарзанди, тақдир тақозоси билан Ҳиндистонда туғилиб камол топган Амир Ҳусрав Деҳлавийдир (1253-1325 й.). Унинг асл исми Яминиддин Абул Ҳасандир. Низомий Ганжавий «Хамса»сига жавоб айтган Ҳусрав Деҳлавий шеърларини тўплашни Султон Бойсунғур буюрганида фозиллар Деҳлавийнинг барча асарларини бир жойга жамлай олишмаганини айтишади, улар тўплаган шеърлар 120 минг байтдан иборат эди. Сўнгра шоир девонларига кирмаган яна 2000 байт топилади. Хусрав Деҳлавийнинг ўзи «Менинг шеърларим 500 минг байтдан камроқ, аммо 400 минг байтдан ортиқ», деб ёзиб қолдирган. Абдураҳмон Жомийнинг таъкидлашича, Хусрав Деҳлавийдан 99 номдаги асар қолган. Донишманд Бадиуззамон Хуросонийнинг ёзишича: «Шоирлардан ҳеч бири ўзидан кейин Амир Хусравчалик кўп шеър қолдирмаган».

Хусрав Деҳлавий шарқ шеъриятида биринчилардан бўлиб девон тузган шоирдир. Унинг «Ушоқ шеърлари» — лирик асарлари беш девонга тартиб берилган: «Туҳфат ус-сиғар» («Ёшлик туҳфаси», 1272), «Васат ул-ҳаёт» («Ҳаёт ўртаси», 1284), Ғуррот ул-камол» («Камолотнинг бошланиши», 1293), «Боқият ун-Ноқия» («Сараларнинг сараси», 1316), «Ниҳоят ул-камол» («Камолот чўққиси», 1325).

Шеъриятнинг эпик жанрида сермаҳсул ижод қилган Хусрав Деҳлавий ўнлаб йирик достонлар яратган. Айниқса, унинг ижодида беш достондан иборат «Хамса» асари диққатга моликдир.

Низомий Ганжавийдан кейин бу ишга қўл урган шоир Хусрав Деҳлавий хамсачаликни янги мазмун, янги ғоя билан бойитади. Деҳлавий «Хамса»си «Ширин ва Хусрав» (1298), «Мажнун ва Лайли» (1298), «Матла ул-анвар» («Ёриткичларнинг чиқиши», 1299), «Ойнайи Искандарий» («Искандар кўзгуси», 1300), «Ҳашт беҳишт» («Саккиз жаннат», 1301) каби достонлардан тузилган.

Ҳазрат Навоий ғазалда уч шоирни ўзининг устози деб билган, улардан бири «Мўъжиза баёнлик ҳинд сеҳргари» — Амир Хусрав Деҳлавий эди. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида унга яна шундай юксак баҳо беради: «Ишқ аҳлининг покбозлари ва лавҳу ниёз аҳлининг назмтироз ва афсонапардозлари мустакаддиминдин андоқким, назм бешасининг ғазанфари ва дарду ишқ оташкадасининг самандари ва завқу ҳол водисининг покрави Амир Хусрав Деҳлавийдурким, пок нафас ва гуфтори, пок алфоз ва маонийлик ашъори ишқ аҳли орасида ғавғо ва важду ҳол анжумани фазосида алоло солибдир».

Уч сулолага мансуб етти султон саройида қарийб эллик йилча (1277-1325) хизматда бўлган Хусрав Деҳлавийга Деҳли ҳокимларидан Жалолиддин Ферузшоҳ (1290-1296) амирлик унвонини ва бош ходим лавозимини берган. Ўша давр анъанасига кўра шоир асарларини ҳукмдорларга бағишлаган. Шунга қарамай Деҳлавий ўз ижодида даврнинг муҳим ижтимоий масалаларини кўтариб чиқди. Юксак гуманизм ғояларини илгари сурди, инсоннинг буюклигини, унинг гўзал ва олижаноб туйғуларини тараннум этди.

Амир Хусрав Деҳлавий замона тақозоси билан фақат форс тилидагина ижод қилмаган, уни кўпгина адабиётчилар урду тилида биринчи шеърлар ёзган шоир, урду адабиётининг асосчиларидан деб тан оладилар. Унинг ҳинд тилидаги қўшиқлари асрлар оша халқ томонидан куйланиб келинади, бу ҳақда донишманд Жавоҳарлал Неру шундай деб ёзиб қолдирган: «У (Хусрав Деҳлавий) йилнинг турли фасллари, ҳаёт ва унинг турли кўринишлари ҳақида, уйга келин тушиши, ҳижрон, ёмғир... тўғрисида куйлайди. Бу қўшиқларни ҳозир ҳам тез-тез куйлаб турадилар, уларни Шимолий ва Марказий Ҳиндистоннинг ҳар бир қишлоғи ва шаҳрида эшитиш мумкин. Уларни, масалан, ёғингарчилик бошланадиган кунларда ҳар бир қишлоқда манга ва пипул дарахтининг шохларига арғимчоқ солиб, барча маҳаллий йигит-қизлар бу ерларга кўнгил очиш учун келган пайтларида куйлайдилар... Хусравнинг қўшиқ ва топишмоқ-муаммолари унга шуҳрат келтирди. Кейинчалик, унинг шуҳрати яна ҳам ўсишда давом этди. Мен олти юз йил илгари ёзилган ва шу кунгача ҳаммабоп бўлиб, халқнинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлган ҳамда ҳеч қандай матн ўзгаришисиз ижро этилиб келинаётган бундан бошқа қўшиқларни билмайман». Ҳиндистоннинг буюк жамоат арбобининг Амир Хусрав Деҳлавийга берган баҳоси бу буюк зотнинг ота юрти фарзандларига шунчалик қувонч бағишлайди.

Ота-боболари Кеш (Шаҳрисабз)лик, туркий барлос уруғидан бўлиб, Ҳиндистонда ҳарбий хизматчи оиласида туғилиб вояга етган яна бир Шарқнинг файласуф шоири Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1720)дир. Бедилнинг йирик шеърий асарлари «Ирфон», «Комде ва Мудан», «Нукот» («Ҳикматли сўзлар»)дир. Унинг «Тилсими ҳайрат», «Муҳити аъзам», «Тури маърифат», «Ғазалиёт», «Рубоиёт», «Чор унсур» асарлари машҳурдир. Бедил асарлари Туркистонда кенг тарқалган бўлиб, фалсафий фикрга бойлигидан уни юртимизда «Абулмаоний» («Маънолар отаси») деб аташган. 1882 йилда Бомбайда Бедил асарларининг ўн олти жилдлик «Куллиёт»и нашр этилган. Бедилнинг 125 минг мисрадан иборат шеърлари ва қатор насрий асарлари борлиқ, йўқлик, фано, бақо сингари масалалар ҳақидадир.

Бедил рубойичиликда ўзига хос мактаб яратган шоир, унинг 3861 рубоийси бизгача етиб келган. Бедил шеъриятини тушунишнинг мураккаб жиҳати шундаки, унинг шеърларидаги ҳар бир сўз, мисра турли хил маъноларда товланади.

Афсуски, Бедил асарлари ҳалиҳануз форс тилидан ўзбек тилига ағдарадиган таржимонларини кутиб ётибди.

Қадимда юртимиздаги мадрасаларда Бедил ижоди кенг тарғиб қилинган, ўрганилган. Шеърият ихлосмандлари ўртасида, адабий davraларда бедилхонлик кечалари ўтказилган. Академик олим Иброҳим Мўминов Бедил ижоди ва дунёқарашини англашда, тушунишда катта хизмат кўрсатган. У ўзбек олимларидан биринчи бўлиб фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун Бедил ижоди ва дунёқараши бўйича диссертация ҳимоя қилган.

Самарқанддаги ҳимоя анжуманида иштирок этган буюк адибимиз Садриддин Айний шундай деган эканлар: «Бедил бир денгиз бўлса, Иброҳимжон ундан бир челак сув олибдилар». Бу Иброҳим Мўминов истеъдодига, берилган юксак баҳодир. Зеро, Бедил асарларини англаш, тушуниш учун унча-мунча билимга эга бўлмоқ керак. Юртимизда авваллари бедилхонлик авж олган экан. Устоз Ғафур Ғулом ҳам Бедилни кўп мутолаа қилган шоирларимиздан биридир. Унинг «Бедил ўқир эдим чиқди офтоб» сатрини ким билмайди дейсиз.

Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади, Ҳиндистонда Амир Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб, Зебунисо қабрлари бугунги кунда қай ҳолда экан? Бу борада Президентимиз ташаббуси билан бошланган ўз юртидан йироқда яшаб, вафот этган буюк ватандошларимиз қабрларини обод қилиш ишларида бу даҳо шоирлар сағаналарига ҳам эътибор берилса яхши бўларди.

Ҳазрат Навоий қадами теккан, унинг асарларида тилга олинган кўркам, ҳамиша яшил шаҳар — Шаҳрисабзда не-не азиз-авлиёлар, пирлар, шоирлар яшаб ўтишмаган дейсиз?! Шаҳрисабз билан ёнма-ён яна бир тарихий шаҳар бор, бу Китоб (кифти об)дир. Ҳазрати Башир, Ҳиромий ва Абдулла шоирлар Китобда умргузаронлик қилишган.

Мулла Қурбон Ҳиромий 1796 йилда Китобнинг Чармгарон маҳалласида косиб оиласида дунёга келган.

Ҳиромий дастлабки маълумотни маҳалла гузарида олиб, сўнгра Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсилни давом эттиради, лекин иқтисодий қийинчилик туфайли унга олий даргоҳни тугатиш насиб этмайди. Китобга қайтиб ота касби — этикдўзликни давом эттиради, табиблик, хаттотлик қилади.

Анча-мунча саводхон бўлиб қолган Мулла Қурбон Ҳиромий одамларнинг чор-ночор, аянчли ҳаёт кечираётганини ўз кўзи билан кўрди. Жафокаш халқнинг золим Бухоро амири Насруллохон сиёсатига қарши норозилиги бу пайтга келиб кучайиб бораётган эди. XVIII асрдан бошлаб Шаҳрисабз беклигида ҳукмронликни эгаллаган эрксевар Кенагас уруғи Бухоро амирлигига тобе бўлишни исташмас, ўзлари мустақил бўлиб, алоҳида ажралиб чиқишни хоҳлашарди. Бундан таҳликага тушган Насруллохон худди Қўқон хонлигидаги каби Шаҳрисабзда ҳам қирғинбаротга пухта ҳозирлик кўрарди. Ҳиромий амир сиёсатига қарши шеърлар ёзиб, фаолият кўрсатгани учун хуфялар томонидан ўлдирилган шоир дўсти Ҳозиқнинг дафн маросимида қатнашгани учун таъқиб этилади. Шунинг учун ҳам турли жойларда яшириниб яшашга мажбур бўлади.

Ҳиромий ижодида замонасидан нолиш, исёнкорлик руҳидаги шеърлар анчагина, унинг Навоий ғазалига боғлаган мухаммасида ҳам амир зулмидан қочиб, яширинча «диёру ёрсиз» ҳаёт кечирганлиги ўз ифодасини топган.

Ҳиромийдан бизга бой мерос қолган, унинг машҳур шеърий девонидан ташқари «Чор дарвеш», «Тўтинома», «Раъно ва Зебо», «Юсуф ва Зулайҳо» достонлари эл орасида ҳамон машҳур.

Қадим Кеш (Шаҳрисабз) замини ана шундай муборак тупроқ, бу ердан кечалари юлдузлар жуда порлоқ кўринади. Шунинг учун ҳам буюк мунажжим Улуғбек номидаги дунё вақт ҳисобини аниқ белгилаб берувчи Халқаро кенглик станцияси Китобда жойлашган. Чунки бу ернинг осмондаги юлдузлари каби она заминида ҳам бутун дунёга нур таратган порлоқ юлдуз инсонлари кўп.

Ҳали-ҳануз салобатли Оқсаройни биринчи бор кўрганим кечагидек кўз олдимда намоён бўлади. 1948 йил эди, бешинчи синфда ўқирдим, ёзги таътилда отам мени Шаҳрисабз ва Китобга, боболарим юртига — Кенагас қишлоғига меҳмонга эргаштириб борди. Ана шунда қадрдон она қишлоғимдан биринчи бор чиқишим, қадимий Тахтиқорача довонидан ўтиб, Қайнарни, Китоб ва Шаҳрисабзни кўрганим кечагидек ёдимда. Китобда шоир Ҳиромий ҳақида одамлардан илиқ хотиралар эшитганман, биринчи бор кексалардан «Чор дарвеш» қиссаси ҳақида мароқли суҳбатлар тинглаганман.

Шаҳрисабзга борганимизда қадимий обида, шаҳарнинг кўрки Оқсаройни зиёрат қилдик. Жуда салобатли бино экан, унинг осмонга бўйлашган пештоқларида кабутар ва қалдирғочлар ғужғон ўйнашар, самода эркин қанот қоқиб Оқсарой қўйнида сокин учишарди. Осмонўпар бинога ва қушлар парвозига термулиб бир вақт бошимдаги дўппим ерга тушиб кетди. Мақбара саҳнида эсиб турган шабада уни анча ерга учириб кетди, унинг ортидан чопиб қўлга тутиб келсам бир кекса киши отамга шундай деяётган экан: «Болага Шаҳрисабзнинг ироқи дўпписидан олиб беринг, у бошда маҳкам туради, тушиб кетмайди, қариндош». Ана шундай қилиб мен ироқи дўппи кийган шаҳрисабзлик болага айланиб қолдим, энди Оқсаройни бемалол томоша қилса бўлади...

Шаҳрисабз, Оқсарой билан илк учрашувим мана шундай кечган. Кейинчалик бу шаҳарга бир неча бор қадам ранжида қилган бўлсам ҳам у билан биринчи танишувим ҳеч хотирамдан кўтарилмайди.

Бу кўркам шаҳар ҳақида буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий ҳам илиқ сўзлар айтган. «Сабъаи сайёр» достонидаги Яшил қасрда ҳикоя сўзловчи учинчи мусофир шаҳрисабзлик деб кўрсатилади ва бу сўлим шаҳар ҳақида шундай дейилади:

**Дейдилар: кишвардирур дилкаш,**
**Оти ҳам Шаҳрисабз эрур, ҳам Каш.**

Бу байтда «Каш» зарурат юзасидан «дилкаш»га қофия ўрнида қўлланилмаган, балки тарихимиздан маълумки, бу юртдан «Каший» тахаллусини олган не-не алломa, шоирлар ўтишмаган дейсиз. Демак, бу қадим шаҳар Кешдан олдин «Каш» деб ҳам юритилган.

Қадим Кешнинг, Шаҳрисабзнинг дунёга жилоланиб жамол очиши бевосита буюк соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ.

Шарафутдин Али Яздий соҳибқирон Амир Темур юришлари ҳақида батафсил ҳикоя қилувчи «Зафарнома»сида Кеш ҳақида шундай ёзади: «Кеш шаҳри бурун уламои Исломнинг ери эрмиш ва бузурглар муҳаддислардан уч имом анда ватан қилғон турурлар: бири Абу Муҳаммад Наср ал-Каший ва яна бири Абдуллод ибн Абдураҳмон ад-Дарамий ас-Самарқандий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Исмоил ал-Бухорий, розийиллоҳи анҳум. Ул маҳалда олам аҳли масъала ва масоили диний учун атроф оламдин Кеш вилоятига келур эрмишлар... Бу жиҳатдин Кешни «Қуббатул илм вал-адаб» лақаби бўлиб турар. Баҳор вақт ул шаҳарнинг тому тоши кўм-кўк бўлур ва кўк кўрунғон жиҳатидин анга Шаҳрисабз от бўлиб турур. Сичқон йилда, тарих етти юз саксон бирда (1380, март) ул шаҳарға қалъа солдирди (Амир Темур) ва жаҳдлаб тамом қилдурди. Ва андоқ шаҳри бўлдуким, гардун Муҳандиси мунча ёши билан оламни кезиб, ҳеч бир ерда мундоқ шаҳар ва кўшк кўрмаган турур».

Соҳибқирон Амир Темур Шаҳрисабзни ўз мамлакатига пойтахт қилиш ниятида бу ерда улкан иморатлар қурдирган, энг яқин кишиларини бу ерда дафн эттирган. Соҳибқироннинг пири муршиди Шамсиддин Кулол, отаси Баҳодур Тарағай, севикли ўғли Жаҳонгир Мирзонинг ҳам хоки туроблари ана шу шаҳарда.

Шаҳрисабзнинг ўзини дунёга кўз-кўз қилиши, яшнаб-яшариши соҳибқирон Амир Темур замонидан сўнг юртимиз мустақиллиги даврида юз берди десак, асло хато бўлмас. 2002 йилда Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик юбилейи ўтказилди, шаҳар янада ободонлаштирилди, бугунги кунда у дунёга янада кўркамлик бағишламоқда.

Шаҳрисабздек сўлим шаҳримизга, унинг меҳнаткаш инсонларига ҳеч қачон гард юқмасин, уларни ёмон кўзлардан сақласин, шундай кўркам шаҳар доимо бор бўлсин!

**Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

*Халқ демократик партияси ҳаётидан*

# ИШЧАНЛИК РУҲИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Денов, Оққўрғон, Касби, Чироқчи туманлари партия ташкилотларининг навбатдаги конференциялари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Денов, Оққўрғон, Касби, Чироқчи туман кенгашларининг биринчи котиблари — Абдуолим Бўриев, Файзулла Мўминов, Абдуали Холов, Шоназар Жовлиев ўтган давр мобайнида қилинган ишлар юзасидан ҳисобот бердилар. Сўнгра тафтиш комиссияларининг, халқ депутатлари туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарларининг ҳисоботи йиғилганлар ҳукмига ҳавола этилди. Мунозараларда партия фаоллари, оқсоқоллар сўзга чиқиб, туман партия ташкилотининг ўтган йиллар давомида олиб борган ишлари хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференциялар ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё, Қашқадарё вилоят кенгашлари биринчи котиблари Ҳамро Эрматов, Олим Равшанов Тошкент вилоят кенгаши иккинчи котиби Маҳмуд Тоировлар иштирок этиб, сўзга чиқдилар.

Ўтган йиллар давомида туман партия ташкилотининг олиб борган фаолиятларини қониқарли, деб топган делегатлар, Абдуолим Бўриев, Файзулла Мўминов, Абдуали Холов, Шоназар Жовлиевларни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Денов, Оққўрғон, Касби, Чироқчи туман кенгашларининг биринчи котиблари лавозимларига қайта сайладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон, Марҳамат, Улуғнор, Пахтаобод туман ташкилотларининг ҳам навбатдаги конференциялари бўлиб ўтди.

**Латофат БЎРИЕВА**

# ҲАМКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Дунёнинг маърифатпарвар давлатлари — ҳамкорларимиз юртимизда турли тараққиёт дастурларини амалга оширмоқдалар. Жумладан, Франциянинг техник ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги (АКТЕД) Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида Буюк Британиянинг «УЗПЕК» компанияси маблағи эвазига Бибиқорасоч қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида катта қулайликлар яратмоқда. Яқинда бу ердаги фуқаролик йиғини идораси, Мирзо Турсунзода номли мактаб ва қишлоқ врачлик пунктига туман марказидан телефон тармоғи тортиб келинди. Кичик Ура дарёсига алоҳида насос ўрнатилиб, қишлоқ атрофидаги анча-мунча ерларни суғориш имкони яратилди. Келгусида бундай насосларни яна тўрттага кўпайтириш режаси ҳам бор.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

Уйчи туман партия кенгаши «Конституциявий ҳуқуқ ва бурч» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашида вилоят халқ маорифи соҳасида хизмат қилаётган ХДП аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ж.Исроилов Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг жамиятни демократиялаштиришдаги роли ва ялпи сайловларга тайёргарликнинг бориши тўғрисида маъруза қилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, вилоят партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси, халқ маорифи жонкуяри Марат Зокиров ҳам мазкур масалалар юзасидан ўзининг қимматли фикрларини билдирди. Йиғилишда вилоятнинг аҳоли пунктларида сайловолди тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида партия фаолларидан иборат гуруҳлар тузилиб, жойларга жўнатилди.

✧ ✧ ✧

Қарши шаҳар партия кенгаши «Сайловларни ёритиш мезонлари ва холислик» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Тадбир иштирокчилари сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситаларидан ҳаққонийлик, холислик ва тезкорлик талаб этилиши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.





Учкўприк туманидаги «Учкўприк» ширкат хўжалиги аъзолари 729,5 гектар майдондаги ғўза ниҳолларини агротехник талаблар асосида парваришлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хўжалик далаларидаги ҳар туп ниҳолда 7-8 тадан гул ва 3-4 тадан бўлиқ кўсаклар ҳосил бўлди. Бу ҳар гектар ердан 40 центнерга етказиб ҳосил олиш имкониятини беради.

— Қишлоқ хўжалигидан кутилаётган даромадларимиз салмоғи юқори бўлмоқда, — дейди хўжалик бош иқтисодчиси Суйдихон Бегматова. — Ғаллачиликнинг ўзидан 267 миллиондан ортиқ ялпи даромад кўрдик. Пахтачиликдан ҳам 500 миллион сўм даромад олишни кўзлаб турибмиз. Бу иқтисодий имкониятларимизни ошириш билан қўшимча шароитлар яратилишига иконият туғдиради.

**Суратларда:** «Учкўприк» ширкат хўжалигининг 9 бош пудрат раҳбари (чапдан) Иброҳимжон Қўзиев, сувчи Муҳитдин Раҳмонов.

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Жиноятга жазо муқаррар*

# НАФС БАЛОСИ

**Бухоро вилоят прокуратураси текширишлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида хўжалик раҳбарлари томонидан ноқонуний берилган ва фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган 45,6 гектар ер хўжаликларга қайтарилди. 4 ҳолатда жиноий иш қўзғатилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун 9 та тақдимнома киритилди, 102 нафар фуқаро огоҳлантирилди, 125 шахсга нисбатан маъмурий, 32 нафар шахсга эса интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, 46 та (28 миллион 300 минг сўмлик) даъво аризаси киритилди.**

Халқимиз ерни азал-азалдан хазинага қиёслаб келади. Сабаби аён: элни тўйдирадиган ҳам, кийдирадиган ҳам ердир. Афсуски, бу оддий ҳақиқатни писанд қилмай, ерни талон-торож қилиб, топтаётган кимсалар ҳам борлиги ачинарли ҳол.

Қоровулбозор — вилоятнинг чўл туманларидан бири, ерларнинг адоғи кўринмайди. «Мустақиллик» ширкат хўжалиги бошқарув раиси Вали Бобоқулов ана шу «адоғи кўринмайдиган» ерларга хўжайинлигидан эсанкираб қолди. Раис ҳотамтойлик қилиб, поёнсиз майдонлардан «бир парчаси»ни — хўжалик ҳисобидаги 25 гектар ерни Ғиждувон туманида яшовчи фуқаро Жўрақул Маъмуровга ҳеч қандай ҳужжатсиз ҳадя қилиб юборди. Ж.Маъмуров ҳам табиийки раисни қуруқ қўймаган бўлса керагов. Йўқса, 2001 йилдан буён ана шу майдонга буғдой экиб, тонна-тонна ғалла олаётган Жўрақулга ширкат ҳисобидан қуруқдан-қуруқ «саҳийлик» қилган дейсизми?

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходими Элёр Эгамов эса «Дўстлик» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган «Исломобод» фермер хўжалигининг 2 гектар пахта экишга мўлжалланган ерини ўзбошимчалик билан эгаллаб олгани ҳамда жорий йилда тарвуз экканлигини эшитган киши ёқа ушламай иложи йўқ. Пахта ўрнига тарвуз! Яна «деҳқон» ким денг — туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходими!

Когон туманидаги «Мустақиллик» ширкат хўжалигида ҳам ер талон-торож қилинишида мазкур хўжалик раиси Ҳаким Эшмуродов бош-қош бўлган. У 2 гектардан зиёд ерни 15 нафар фуқарога уй-жой қуриш учун ноқонуний бериб юборган. Оқибатда ширкат хўжалигига 896 минг 503 сўм моддий зарар етказилган.

Қовун қовундан ранг олади, деганларидек, Жондор туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Аҳмад Очилов ҳам амалдаги қонунлар талабига зид равишда 2,3 гектар ерни фуқароларга томорқа сифатида «улашиб» юборгани туфайли хўжаликка 1 миллион 133 минг сўмлик зарар етказган. Худди шу «усул»дан тумандаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги раиси Ф.Ражабов ҳам фойдаланган: у 2003 йилда 2,3 гектар ерни фуқароларга ҳужжатсиз томорқа ва уй-жой қуриш учун бериб юборган. Бу билан хўжалик манфаатларига 1 миллион 384 минг сўмлик моддий зарар етказилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, вилоятдаги кўпгина фермер хўжаликлари раҳбарлари 2004 йилда пахта ўрнига бошқа экинлар экишга уринганлар. Жумладан, Жондор туманидаги «Бахшулла Ражаб», «Туроб Ниёз», «Мусо ота», «Неъмат Қудрат», Қоракўл туманидаги «Бахтиёр», «Даврон Қодир», «Қурбонбобо», «Миржалол» фермер хўжаликлари режасига киритилмаган экинлар экканлар.

Маълумки, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишда минерал ўғитларнинг аҳамияти беқиёс. Шунга қарамай, ана шу бебаҳо бойликка кўз олайтириш ҳолатлари ҳам аниқланди. Когон туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги омбор мудири Ғулом Абдуллаев коса кунда эмас, балки кунида синишини билса-да, ўз билганидан қолмади. У жавобгарлигида бўлган 1680 килограмм (153 минг 150 сўмлик) калийли ўғитни қаерларгадир гумдон қилди. Олот туманидаги «Бахт» ширкат хўжалиги омбор мудири Баҳром Алланазаров эса 2600 килограмм ўғитни талон-торож қилиб, хўжаликка 171 минг 460 сўм моддий зарар етказган.

Ўғитфурушлик ҳар бир туманда томир олиб кетганга ўхшайди. Бухоро туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги омбор мудири «кетса хўжаликдан кетибди-да, менга нима?..» қабилида иш юритиб, 1808 килограмм минерал ўғит, 25 килограмм уруғлик чигитни гумдон қилиб, ҳеч нима кўрмагандек юраверади. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда эмас, бир зумда соҳиби башарасини элга ошкор қиларкан. Хўжаликка бу ҳаракати билан 207 минг сўмлик зарар етказган омбор мудирининг қилиғи ошкор бўлиб, орган ходимлари олдида ер чизиб қолди.

Ишининг рафторини олган Ғиждувон туманидаги Абдулхолиқ Ғиждувоний номли ширкат хўжалиги омбор мудири Али Ҳотамов бу гал хамирдан қилни суғуролмай қолди, сири ошкор бўлди. 83730 сўмлик аммиак селитраси, 172406 сўмлик аммофосни, 18338 сўмлик чигит экишда ишлатиладиган плёнкани ўзлаштирган бу корчалон тумшуғидан илинганини билмай ҳам қолди.

Бундай олғирлар ва нафс балосига гирифтор бўлганлар қаторида Жондор туманидаги «Яккатут» таъминот базаси омбор мудири Остон Ҳамроев, Пешку туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги омбор мудири Нажмиддин Тоғаев ва бошқаларнинг борлиги бу масалага жиддий эътибор зарурлигини кўрсатмоқда. Зеро, халқ мулкига хиёнат, мансабини суиистеъмол қилиш иқтисодийислоҳотлар йўлига тўғаноқ ҳодисадир. Мамлакатимиз раҳбари халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганидек, рўй бераётган бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз даркор. Шунда «менга нима»дан қутуламиз, орамизда текинхўрлар бўлмайди.

**Бобир СОБИРОВ,**
**вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси,**
**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**




## МУҲОЖИРЛАР МАМЛАКАТДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛАДИ

Малайзия маъмурияти 1,2 миллион норасмий муҳожирни мамлакатдан чиқариб юборишни мўлжаллаб турибди. Мамлакат ички ишлар вазири Азми Холид берган маълумотга асосланиб, Малайзия оммавий ахборот воситалари бу ҳақда хабар тарқатди. Вазирнинг ўзи, кейин шикоят қилиб юрмаслик учун норасмий ишчилари бор тадбиркорларни огоҳлантириб ҳам қўйди.

Ҳозирги вақтда мамлакатда ишсизлик 3,5 фоизни ташкил этади. 2002 ва 2001 йилларда бу кўрсаткич 3,9 фоиз атрофида эди. 2002 йилда норасмий муҳожирларни мамлакатдан чиқариб юбориш тадбири ўтказилгани боис Малайзияда ишчи кучи етишмовчилиги кузатилган.

## ВЬЕТНАМДА ЯНА ПАРРАНДА ГРИППИ

Маълумки, ўтган йили Жануби-шарқий Осиё давлатларида парранда гриппи қаттиқ ҳуруж қилган эди. Бу йил Вьетнам жанубида яна ўша касаллик тарқалганлигини мамлакат маъмурияти расмий эълон қилди. Касалланган паррандаларда H5N1 штаммлари (микроорганизмлар) борлиги аниқланди. Бу штаммлар инсон ҳаёти учун ўта хавфли бўлиб, ўлимга олиб боради. Шунинг учун парранда гриппи аниқланган ҳудудларда 10 минг товуқ йўқ қилинди.

Шу йил бошидан бери мазкур касаллик туфайли Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида 16 киши ҳаёт билан видолашди, дея хабар беради Reuters агентлиги.

## ҲУКУМАТ ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Мисрнинг янги ҳукумати мамлакат Президенти Хусни Муборак ҳузурида қасамёд қабул қилди.

Маълумки, аввалги ҳукумат таркиби давлат бошлиғи талабига кўра 9 июлда истеъфога чиққан эди.

34 нафар вазирдан иборат янги ҳукумат таркибини эса 52 ёшли Аҳмад Назиф (собиқ коммуникация вазири) бошқармоқда.

Мисрнинг «Ал-Ахром» газетаси ҳукуматнинг янги таркибини эълон қилди.

## ҚУТИЛАРДА АНТИРЕКЛАМА ТАСВИРЛАРИ

Сингапур маъмурияти шу йил 1 августдан эътиборан мамлакатда сотиладиган сигарет қутиларига чекишнинг «хосияти» ҳақида кишида тасаввур уйғотувчи махсус антиреклама тасвирлари жойлаштирилишини маълум қилди.

Шундай қилиб, — дейилади Reuters агентлиги ахборотида, — сигарет қутиларида «ўлим ва ириб кетиш тасвири» акс эттирилади. Бу эса сингапурлик мутахассисларнинг фикрича, мамлакатда кашандаликнинг илдизига болта уради.

Аввалроқ Сингапурда соғлом ҳаёт тарзини таъминлаш ва чекишга қарши кураш бўйича алоҳида қонун қабул қилинган.

Немисларнинг саратон хасталигига чалинганларга ёрдам кўрсатиш жамғармаси эса сигарет қутиларидаги огоҳлантирувчи ёзув ёнига чекиш натижасида оғир касалликка йўлиққан бемор сурати қўйилишини, бундан ташқари тамаки маҳсулотлари рекламасини бутунлай тақиқлаш, сигарет сотиладиган кўчалардаги автомат дўкончалардан воз кечишни талаб этмоқда.

Немис матбуоти хабарларига қараганда, Германияда кашандалик оқибатида келиб чиққан касалликлардан йилига 140 минг киши ҳаётдан кўз юммоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида қайд этилишича, бу кўрсаткич Россияда кунига 700 кишини ташкил этади. Ташкилот бош директорининг Россиядаги вакили Микко Виенаненнинг айтишича, кейинги йилларда Россияда тамаки чекиш икки баравarга ортган. Яъни эркакларнинг 60 фоизи сигарет билан ўзини «овутади». Аёллар бу борада эркакларга яқинлашиб қолган. Бироқ, Россия чекишга қарши кураш бўйича Халқаро конвенцияни ҳали ратификация қилмаган.

Маълумотларга қараганда, дунё бўйича йилига 5 миллион одам айнан чекиш билан боғлиқ хасталиклар оқибатида оламдан кўз юммоқда.

**Саида БОБОНАЗАРОВА тайёрлади.**

## ЯНГИ ЙЎНАЛИШ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Исроил хариташунослари Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида аввалги лойиҳа асосида бунёд этилаётган «муҳофаза девори» қурилиши йўналишини ўзгартириш учун янги йўналишни белгилаш устида иш бошладилар. Исроилни Фаластиндан ажратиб турувчи мазкур девор йўналишини ўзгартириш, яъни 1967 йилги «яшил чизиқ»қа яқинлаштириш тўғрисидаги яқинда Исроил Олий суди қабул қилган қарори ушбу ишга фотиҳа берди.

Associated Press агентлиги хабар беришича, шу кунгача деворнинг тўртдан бир қисми тикланган.

## АРГЕНТИНА ВА ЧИЛИДА ҚАҲРАТОН СОВУҚ

Аргентина ва Чилида об-ҳаво бирданига совиб кетди. Натижада 8 киши дунёдан кўз юмди, дейилади Associated Press агентлиги ахборотида.

Перуда эса ёмғир аралаш ёққан қор 75 мингта уй ҳайвони ўлимига сабаб бўлди. 53 киши бошпанасиз қолди.

Аргентинада ҳарорат 11 даражагача совиб кетган бўлса, Бразилияда 6,8 даражага тушиб кетди. Парагвайда эса ҳаво совуқлиги боис мазкур ҳафтада мактабларда дарслар тўхтатилди.

Ҳиндистон ва Бангладешда икки ҳафтадан бери сув тошқинлари давом этмоқда.

Drudge Report агентлиги маълумотларига қараганда, Ҳиндистонда 2 миллиондан ортиқ, Бангладешда эса 3 миллион киши сув тошқинидан азият чекмоқда. Июнь ойида Бангладешда сув тошқини сабабли 241 киши ҳаётдан кўз юмди, бу рақам яна ортиши мумкин.

Бугунги кунда Бангладеш ҳудудининг учдан бир қисми сув остида қолган.

Янги китоблар

## ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ДАСТУРИ




Биз кундалик турмушда бевосита молиявий муносабатларга киришамиз. Пул топиш, уни қайси мақсадларда ва қандай сарфлашни режалаштириб борамиз. Айнан, молияда иқтисодий фаолиятнинг якуни жамланади. Бу — фойда миқдори, рентабеллик, корхонанинг ликвидлилиги, унинг пул маблағлари ва қарзининг миқдори кабилардир. Шуларга қараб корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо берилади. Ишни мақсадга мувофиқ олиб бориш ҳам, яъни пулнинг қачон, қаерга қараб ҳаракатланишини аниқ билиш, бизнеснинг турли босқичларида пулга эҳтиёж қандай бўлишини сезиш, корхонанинг қачон банк қарзига муҳтож бўлиш вақтини аниқ режалаштира олиш кабилар бевосита молиявий таҳлил усулларини билиш даражасига боғлиқ.

Хўш, биз шунчалик кўп молиявий муносабатларга киришар эканмиз:

— корхона маблағларини, унинг ташкил топиш манбаларини;

— молиявий натижалар ва унинг кўрсаткичларини;

— пул оқими ва хусусий капитал ўзгаришининг омилларини;

— корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлашнинг услубий асосларини, у услублар орқали баҳо беришни қай даражада биламиз?

Бу ва шунга оид қатор масалаларнинг ечими Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор Эргаш Акрамов томонидан ёзилган ва «Молия» нашриётида чоп этилган «Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили» ўқув қўлланмасида содда ва тушунарли тилда ёритилган.

Ўқув қўлланма Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги республика илмий методик бирлашмаси томонидан тасдиқланган «Молиявий таҳлил» дастурига асосланиб ёзилган бўлиб, унда бозор муносабатларининг шаклланишига мослаб, корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлилининг назарий, услуби ва у билан бирга унинг асосий босқичлари, молиявий таҳлилнинг асосий талаблари ва манбалари, хорижий мамлакатларнинг молиявий таҳлили борасидаги тажрибалари, корхоналарнинг молиявий ҳолатини умумлаштириб баҳолаш, молиявий барқарорлик (мустаҳкамлик), баланс ликвидлилиги, корхоналарнинг ишчанлик ва бозорга оид фаолияти таҳлили, айланма маблағларнинг айланиши, маҳсулотларнинг таннархи билан молиявий ҳолат ўртасидаги алоқа кабилар равон тилда, чуқур ва атрофлича баён қилинган.

Албатта, қайд қилинган мавзулар илгари ҳам ўрганилган. Лекин, ушбу ўқув қўлланма, аввало, Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт йўлига мос молиявий таҳлил методологияси тўлдирилгани ва такомиллашган ҳолда ёритилгани билан мавжудларидан фарқ қилади.

Китобда айрим жузъий камчиликлар ҳам бор, бироқ унинг, шубҳасиз, ижобий жиҳатлари устуворлик қилади. Афсусланарли томони шундаки, ўқув қўлланма кам нусхада чоп этилган. Шунинг учун келгусида уни қайта, лотин имлосида нашр этилишига умид қиламиз.

Ўқув қўлланма ҳам илмий, ҳам услубий, ҳам амалий томондан жуда равон, ҳаммага тушунарли тилда ёзилган. Бундай муваффақиятга эришишда эса фикримизча, муаллифнинг кўп йиллик ҳаётий тажрибаси қўл келган. Чунки, ўқув қўлланма муаллифи мана 45 йилдирки, олий таълим тизимида кўплаб шогирдларига устозлик қилиб келмоқда.

**Ёрқин АБДУЛЛАЕВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор**

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН



*«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.*

Маҳсулот сертификатланган.

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru

Ҳурматли йўловчилар!
Тошкент — Шовот (Урганч) — Тошкент
йўналиши бўйича янги йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.

Янги поездда купе ва СВ вагонлари бўлиб, улар кондиционерлар билан жиҳозланган. Поезд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиб, Амударё устидан қурилган янги кўприкдан ўтади ва йўловчиларнинг йўлда бўлган вақтини сезиларли қисқартиради ҳамда темир йўл чиптаси баҳосини камайтиради.

Тошкент — Шовот йўналиши бўйича йўл ҳақи баҳоси:

- умумий вагонда — 4 671 сўм;
- плацкарт вагонида — 9 034 сўм;
- купе вагонида — 14 796 сўм;
- СВ вагонида — 29 671 сўм.

Темир йўл чиптаси баҳоси 2004 йил 22 июнь ҳолатига кўра ҳисобланган. Валюталарнинг сўмга нисбатан курси ҳар ҳафтада ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда чипталар баҳоси ҳам ўзгаради.

| Йўналиш жадвали | Жўнаб кетиш | Етиб бориш |
|---|---|---|
| №56 Тошкент — Шовот | душанба, 17.15 | сешанба, 13.20 |
| №56 Шовот — Тошкент | сешанба, 14.25 | чоршанба, 10.25 |



*«Ўзтемирйўлйўловчи» маъмурияти*

Хизматлар лицензияланган

## ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти қошида сайловлар жараёнида журналистларнинг тўғри ҳаракат қилишларини таъминлаш, уларни сайлов қонунчилиги ва унинг амалиёти билан чуқур таништириш мақсадида «Парламент журналистикаси клуби» ташкил этилди. У ҳар сешанба куни ўз йиғилишларини ўтказиб, шу йилнинг 26 декабрига қадар фаолият кўрсатади.

Сайловларни ёритишга ихтисослашган ва ихтисослашаётган журналистлар учун фойдали бўлган қатор мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиш клуб дастурларидан жой олган.

Куни кеча бўлиб ўтган давра суҳбати «Янги Парламентнинг тузилиши ва вазифалари» мавзуига бағишланди. Унда иштирок этган оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига институт олимлари атрофлича жавоб бердилар.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

## ҲАЁТГА МУСТАҚИЛ ҚАДАМ

Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтида битирувчи талабаларга бакалаврлик ва магистрлик дипломлари топшириш тадбири бўлиб ўтди. Ўқув даргоҳи раҳбарлари ва Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Наманган вилоят кенгаши вакиллари 29 нафар магистр ва 290 нафар бакалаврни ўқишда ва жамоат ишларида доим фаол қатнашиб, ҳаётга мустақил қадам қўяётганликлари билан табриклашди.

Бир гуруҳ битирувчиларга эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Абдунаби ҚОРАБОЕВ**

Спорт

## ОСИЁ КУБОГИ: ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ИМКОНИЯТИ ҚАНДАЙ?

### 17 ИЮЛЬ КУНИ ХИТОЙДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА XIII ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ БОШЛАНАДИ

Қитъа футболи тарихида биринчи маротаба бу гал мусобақада Осиёнинг кучли ўн олти терма жамоаси чемпионлик учун кураш олиб боради. Қувонарлиси, ушбу етакчи терма жамоалар орасида саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган ўзбекистонлик футболчилар ҳам бор.

Агар Осиё чемпионатлари тарихига назар ташласак, унда Ватанимиз «чарм тўп» усталари кетма-кет учинчи бор қатнашаётганлигини билиб оламиз. Мустақил Ўзбекистон футболчилари илк маротаба иштирок этган XI Осиё чемпионати 1996 йилнинг декабрида Бирлашган Араб Амирликларида уюштирилганди. Ўшанда футболчиларимиз баҳсларнинг «А» гуруҳидан жой олишган. Баҳодир Иброҳимов бош мураббийлигида майдонга чиққан терма жамоа ўз гуруҳида фақат Хитой вакилларини (2:0, И.Шквирин, О.Шацких) енгиб, Япония (0:4) ҳамда Сурия (1:2, С.Лебедев) футболчиларига ютқазганди. Натижада гуруҳда сўнгги поғонани банд этган ҳамюртларимиз БААдан барвақт қайтишга мажбур бўлганди.

2000 йилнинг октябрида Ливанда ўтказилган XII Осиё чемпионати футболимиз тарихидаги энг паст кўрсаткич бўлиб турибди. Дастлаб мазкур чемпионатнинг саралаш босқичида терма жамоани Маҳмуд Раҳимов бошқарди. Футболчиларимиз БААда ўтказилган саралаш ўйинларининг барчасини ғалаба билан якунлаб, шов-шув кўтаришди. Сўнгра, кутилмаганда автоҳалокат туфайли бош мураббий М.Раҳимов ҳаётдан кўз юмди. Ливандаги баҳслар бошланишига саноқли ойлар қолганида Юрий Саркисян терма жамоага бош мураббий этиб тайинланди. Машғулотларнинг кўнгилдагидек бўлмаганлиги натижасида терма жамоа Ливан яшил майдонларида шармандали мағлубиятларга учради. Аввалига қатарликлар билан (1:1) дуранг ўйнаган ҳамюртларимиз, кейинги икки учрашувда Япония (1:8) ва Саудия Арабистони (0:5) футболчиларидан енгилди. Делегация Ливандан қайтгач, ЎФФнинг навбатдан ташқари йиғилишида терма жамоа муваффақиятсизлиги таҳлил қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Федерация бош котиблигига «Дўстлик» клуби вице-президенти Бахтиёр Раҳимов, миллий терма жамоа бош мураббийлигига «Насаф» бош мураббийи Баҳром Ҳакимов тайинланди.

Орадан кўп ўтмай, мамлакатнинг бош жамоаси мураббий Равшан Ҳайдаровга ишониб топширилди. Гарчи, расман Р.Ҳайдаров бош мураббий бўлса-да, асосий йўл-йўриқ ва кўрсатмалар маслаҳатчи-мураббий Тачмурод Агамуродов томонидан амалга оширилди. Сўнгги икки йил давомида футболчиларимиз мазкур жуфтлик раҳбарлигида Словакия, Латвия, Белорусия каби давлатлар терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувларида куч синашди. Осиё чемпионати саралаш ўйинлари муваффақиятли якунланди. Тошкент ва Бангкокда уюштирилган икки даврали баҳсларда Таиланд, Тожикистон, Сяньган терма жамоаларига қарши тўп сурган вакилларимиз гуруҳда биринчи ўринни эгаллади. Фақат сўнгги паллада терма жамоа мураббийлар штабида германиялик мутахассис Юрген Геде Тачмурод Агамуродов ўрнига маслаҳатчи-мураббий этиб тайинланди. Геде миллий терма жамоада иш бошлагач, бошқалардан фарқли ўлароқ кўплаб маҳаллий футболчиларни таркибга жалб этди.

Хитойда бошланадиган XIII Осиё чемпионати олдидан терма жамоа жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида иштирок этди. Шунингдек, Озарбайжон терма жамоаси ва Грузиянинг «Локомотив» (Тбилиси) клуби билан ўртоқлик учрашувлари ва ўқув-йиғин машғулотлари уюштирилди. Мутахассислар ишончини қозонган қуйидаги 22 нафар футболчи 13 июль куни Осиё чемпионатида иштирок этиш учун Хитойга жўнаб кетди:

**Дарвозабонлар:** №1. Алексей Поляков («Крылья Советов», Россия), №12. Игнатий Нестеров («Пахтакор»), №21. Евгений Сафонов («Шинник», Россия).

**Ҳимоячилар:** №2. Бахтиёр Ашурматов, №24. Асрор Алиқулов, №25. Ислом Иномов, №28. Алексей Николаев (ҳаммаси «Пахтакор»дан), №3. Андрей Фёдоров («Рубин», Россия), №13. Шавкат Раимқулов («Трактор»).

**Ярим ҳимоячилар:** №4. Миржалол Қосимов («Алания», Россия), №6. Леонид Кошелев, №8. Сервер Жепаров, №9. Анвар Солиев, №18. Тимур Копадзе, №20. Элдор Магдиев (барчаси «Пахтакор»дан), №7. Андрей Акопянц, №22. Николай Ширшов ( иккаласи «Ростов», Россиядан), №23. Илёс Зейтуллаев («Ювентус», Италия).

**Ҳужумчилар:** №11. Владимир Шишелов («Зимбру», Молдова), №15. Александр Гейнрих (ЦСКА, Россия), №17. Зафар Холмуродов («Насаф»), №26. Марат Бикмаев («Крылья Советов», Россия).

Миллий терма жамоамиз Осиё кубоги баҳсларида бундан-да кучлироқ таркибда қатнашиши кутилган эди. Бироқ турли сабабларга кўра, Максим Шацких («Динамо», Киев), Олег Пашинин, Владимир Маминов («Локомотив», Россия), Виктор Карпенко («Шинник», Россия) ҳамда Владимир Радкевич(«Ротор», Россия)лар Хитой яшил майдонларида юртимиз шарафини ҳимоя қила олмайдиган бўлди.

Йилдан йил нуфузи ва савияси ортиб бораётган қитъа чемпионатининг бу сафарги баҳсларида қуръага кўра, Ўзбекистон терма жамоаси «С» гуруҳидан жой олган. Футболчиларимиз гуруҳда Саудия Арабистони, Ироқ, Туркманистон терма жамоаларига қарши тўп суради. Мусобақанинг бошқа гуруҳларида кейинги босқичга чиқиш учун қуйидаги жамоалар ўзаро баҳс юритадилар: **«А» гуруҳи.** Хитой, Қатар, Баҳрайн, Индонезия. **«В» гуруҳи.** Жанубий Корея, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания. **«Д» гуруҳи.** Япония, Эрон, Таиланд, Уммон.

Чемпионат низомига мувофиқ, гуруҳларда дастлабки икки ўринни эгаллаган терма жамоалар чорак финал баҳсларига йўлланма олади.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**Анвар САМАДОВ**

**ЎЙИНЛАР ТАҚВИМИ**

| № Ўйин | Сана | Шаҳар |
|---|---|---|
| 1. Хитой — Баҳрайн | 17 июль | Пекин |
| 2. Қатар — Индонезия | 18 июль | Пекин |
| 3. С.Арабистони — Туркманистон | 18 июль | Ченгду |
| 4. Ироқ — Ўзбекистон | 18 июль | Ченгду |
| 5. Ж.Корея — Иордания | 19 июль | Жинан |
| 6. Қувайт — БАА | 19 июль | Жинан |
| 7. Япония — Уммон | 20 июль | Чонгкинг |
| 8. Таиланд — Эрон | 20 июль | Чонгкинг |
| 9. Баҳрайн — Қатар | 21 июль | Пекин |
| 10. Индонезия — Хитой | 21 июль | Пекин |
| 11. Туркманистон — Ироқ | 22 июль | Ченгду |
| 12. Ўзбекистон — С.Арабистони | 22 июль | Ченгду |
| 13.Иордания — Қувайт | 23 июль | Жинан |
| 14. БАА — Ж.Корея | 23 июль | Жинан |
| 15. Уммон — Эрон | 24 июль | Чонгкинг |
| 16. Таиланд — Япония | 24 июль | Чонгкинг |
| 17. Хитой — Қатар | 25 июль | Пекин |
| 18. Баҳрайн — Индонезия | 25 июль | Жинан |
| 19. С.Арабистони — Ироқ | 26 июль | Ченгду |
| 20. Туркманистон — Ўзбекистон | 26 июль | Чонгкинг |
| 21. БАА — Иордания | 27 июль | Пекин |
| 22. Ж.Корея — Қувайт | 27 июль | Жинан |
| 23. Таиланд — Уммон | 28 июль | Ченгду |
| 24. Япония — Эрон | 28 июль | Чонгкинг |
| **ЧОРАК ФИНАЛ** | | |
| 25. А1 — С2 | 30 июль | Пекин |
| 26. С1 — А2 | 30 июль | Ченгду |
| 27. В1 — Д2 | 31 июль | Жинан |
| 28. Д1 — В2 | 31 июль | Чонгкинг |
| **ЯРИМ ФИНАЛ** | | |
| 29. Ғолиб 25 — Ғолиб 27 | 3 август | Жинан |
| 30. Ғолиб 26 — Ғолиб 28 | 3 август | Пекин |
| **УЧИНЧИ ЎРИН УЧУН** | | |
| 31. Мағлуб 29 — Мағлуб 30 | 6 август | Пекин |
| **ФИНАЛ** | | |
| 32. Ғолиб 29 — Ғолиб 30 | 7 август | Пекин |

## «SAMSUNG» — БОШ ҲОМИЙ

**Спорт — тинчлик элчиси. Дарҳақиқат, шундай. Спорт туфайли халқлар бирлашади, миллатлар дўстлашади, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўядилар.**

«Ле-Меридиан Тошкент» меҳмонхонасида бўлиб ўтган тадбир ҳам фикримизга далил бўла олади. «Samsung» дунёга маълум ва машҳур компаниядир. Ана шу компания кўплаб спорт мусобақаларини қўллаб-қувватлайди. Айни пайтда компания Халқаро Олимпия қўмитасига ҳам ҳомийлик қилади. «Samsung Electronics Co LTD» Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасига бош ҳомий. Бу тўғридаги шартноманинг имзоланишини тадбир қатнашчилари қарсаклар билан кутиб олдилар. Шартномани Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти Азиз Носиров ва «Samsung» компанияси вакили Ён Вук Ли имзоладилар.

— Қўмитамиз, — деди Азиз Носиров, — «Ўздунробита», «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси каби ҳамкорлар билан келишувга эга. «Samsung» билан бугун биринчи шартномани имзоладик ва бу ҳамкорлик яна давом этади, деган умиддаман. Ишонаманки, спортчиларимиз «Samsung» ҳомийлигида Афина Олимпиадасида муносиб иштирок этиб, медаллар сонини янада кўпайтирадилар.

Компания вакили Ён Вук Ли ҳам сўз олиб, ўзбекистонлик олимпиадачиларни қўллаб-қувватлашини ва келгусида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятида эканлигини таъкидлади.

**Равшан ШОДИЕВ**

# СУЮНЧИ БЕР, ЭЛИМ

Ўзбек фарзанди Рустам Қосимжоновнинг шоҳмот оламидаги муборак зафарин қутлаб

*Суюнчи бер, элим, Рустам ўғлонинг,*
*Довруғинг таратди жумла жаҳонга.*
*Кимлигинг кўрсатди жигаринг — жонинг,*
*Дўппингни от бошдан мовий осмонга.*

*Музаффар отига қамчи урганда,*
*Ғарб ҳам мудрар эди, хаёл ичра ғарқ.*
*Шоҳмот тахтасида ўйин сурганда,*
*Ақлу заковатдан сабоқ берган Шарқ!*

*Даҳо Амир Темур руҳи қўллади,*
*Озод халқим меҳри бўлди мададкор,*
*Камалак рангидан осмон гуллади,*
*Гулчамбар ясади элимда баҳор!*

*Кўк тоқига чиқди ўзбек деган ном,*
*Мағрур ҳилпиради юртим байроғи.*
*Кўтарсак арзийди янгроқ, биллур жом,*
*Мўъжиза яратмиш ўзбек ўғлоним!*

*Талпиниб яшадик Ой, Қуёшларга,*
*Онадай азиздир бу замин бизга.*
*Олтин тож ярашар олтин бошларга,*
*Ғалаба муборак юртдошим бизга.*

*Миллатим шарафи, шаъни-шукуҳин*
*Олам аро ёйган ақлингга балли!*
*Келажак ишқидан узмай нигоҳин,*
*Дунёга тик боққан халқингга балли!*

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**



1993 йил

# ЖАҲОН ШОҲМОТ ТОЖИ ЎЗБЕК ФАРЗАНДИНИНГ БОШИДА

Агар бугун умрини юртимиз шоҳмот ривожига фидо этган Мамажон Муҳиддинов ҳаёт бўлганларида Рустамнинг ғалабасидан боши осмонга етарди. Ахир, унинг орзуси ўзбеклардан чиққан жаҳон чемпионини кўриш эди. XX аср бошларида юртимизда замонавий шоҳмот қоидаларининг жорий этилишида жонбозлик кўрсатган, Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони Азмиддин Хўжаев тирик бўлганларида шодлигидан еттинчи осмонда учарди. Ахир, у ўзбекнинг шоҳмот пойгасида ҳам ҳаммадан ўзишини истарди. Борди-ю, бу хушхабар XIV асрнинг машҳур олияси (гроссмейстери) Али Шатранжий билан басма-бас дона сураётган Соҳибқирон Амир Темурга етганда-чи? Буюк бобокалонимиз вазминлик билан: «Мен тадбир билан, яроғ билан ярим дунёни эгалладим. Рустам тафаккур билан, шоҳмот билан бутун дунёни забт этди», — деган бўлармидилар...

Жаҳон шоҳмот тожи ўзбек фарзандининг бошига кийдирилган пайтда хаёлларимизга ҳар қанча эрк берсак ярашади. Мабодо, бу хушхабар 819 йилда Хуросонда шатранж бўйича биринчи бор ўтказилган халқаро мусобақада ғолиб чиққан ватандошимиз Ас-Сулийга айтилганда-чи? Ўз даврининг тенгсиз олияси мағрур оҳангда: «Қуёш Шарқдан чиққанидай, шатранждаги ғолибнинг Шарқдан чиқиши табиий ҳодисадир», — дер эдилар. Дарҳақиқат, IX-асрда яшаб ўтган таниқли араб олими ва шатранжчиси ал-Адлийнинг фикрича, ўрта осиёликлар шатранжнинг тараққиётида муҳим роль ўйнашган. Бу ерда гап шашхолсиз шатранж ҳақида бормоқда. Маълумки, шатранж дастлаб шашхол билан ўйналган, бу инсон тафаккурини чеклаган. Ал-Адлийнинг таъкидлашича, шашхолсиз шатранж айнан Ўрта Осиёда оммалашган. Демак, бугун Рустамнинг шоҳмот салтанатида тожни қўлга киритиши бу қадимий ўйинда янги давр бошланишидан даракдир.

Айтишларича, Рустамнинг дадаси Машруқ ака (бугун руҳи шод) 1979 йилдаёқ, яъни олти йил илгари Гарри Каспаровнинг жаҳон чемпиони бўлишини башорат қилган экан. Лекин Машруқ ака ўзининг эндигина дунёга келган ўғли Рустамнинг 25 йилдан кейин жаҳон чемпиони бўлишини башорат қилганмикан?

Бу саволни Рустамнинг истеъдоди кўз очишини истагани учун уни уйидан машғулотларга олиб бориб, кейин олиб келиб қўйган биринчи мураббийи Александр Грушевскийга бераман. Шоҳмот фидойиси ҳаяжонини яшира олмайди: **«Ҳайратда қолдирадиган ғалаба! Тўғри, Рустам болалигидан ўта зеҳнли, тиришқоқ эди. Бироқ ўша вақтда унинг йиллар ўтиб жаҳон чемпиони бўлиши хаёлимга ҳам келмаганди. Рустамнинг муваффақиятидан ҳайратдаман».**

Бугун Рустамнинг ҳайратланарли ғалаба қозонишида шу олижаноб инсоннинг ҳам ҳиссаси бор. У Рустамдан меҳрини аямади. Шоҳмотга ихтисослашган 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидагина эмас, уйида ҳам иқтидорли шогирди билан шуғулланди. Рустамнинг 11 ёшидаёқ 18 ёшгача бўлганлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида ғолиб чиқиши шу меҳнатлар самарасидир.

Ўзини болалар мураббийи ҳисоблайдиган бағри кенг Грушевский тажрибали мураббий Сергей Пинчукдан Рустам билан машғулотларни давом эттиришини сўради (одатда, мураббийлар истеъдодли шогирдини қўлдан чиқаришни истамайди). Аҳамиятлиси, Александр Васильевич Рустамни тажрибали мураббий қўлига топширганидан хурсанд бўлди. Рустам айнан Сергей Пинчук мураббийлигида ёшлар ўртасида Осиё чемпиони унвони ва жаҳон чемпионати бронза медали билан тақдирланди.

Катта истеъдодларга катта ғамхўрликлар ҳам керак. 15 ёшли Рустам қанотини ёзиши учун шундай ғамхўрликка эҳтиёж сезаётганди. Шундай кезда Президентимиз Ислом Каримов ёш шоҳмотчига унинг шуғулланиши учун жуда зарур бўлган замонавий компьютер туҳфа қилди, Рустамга Сергей Пинчук расман мураббий этиб тайинланди ва халқаро мусобақаларга бориб келишида узилиш бўлмаслиги учун ҳомий бириктирилди. Ўшанда Рустам шодлигини ичига сиғдира олмай, Президентимизга миннатдорлик мактуби йўллади. **«Сизнинг туҳфангиз шоҳмотга бўлган эътиқодимни мустаҳкамлади... Энди мен юртимиз шоҳмоти шуҳратини оламга ёйишга астойдил хизмат қиламан»,** — деб ёзганди Рустам Президентимизга йўллаган ўша мактубида.

Энди Рустам маҳоратининг ошиш даври бошланди. Қатор нуфузли мусобақаларда юқори ўринларни эгаллади. Францияда ўтган халқаро мусобақада ғолиб чиқиб, биринчи гроссмейстерлик балини олди. Шуниси эътиборга моликки, иккинчи гроссмейстерлик балини ўзининг она шаҳри Тошкентда, уйидан узоқда бўлмаган «Пахтакор» спорт майдонидаги шоҳмот клубида қўлга киритди. Ўзбекистон чемпионатининг охирги турида Рустам етук шоҳмотчиларга хос сифатларини намоён қилди. Рустам охирги турда ғалаба қозонсагина Ўзбекистон чемпиони ва гроссмейстер бўларди. Унинг асосий рақибини дуранг ҳам қаноатлантирарди. Шоҳмотчилар тили билан айтганда: «Буюртмага кўра, ғалаба қозониш». Бу вазифани масъулиятли дамларда саноқли шоҳмотчиларгина уддалашган. Ёш шоҳмотчимиз, тўғриоғи, камолга етган Рустам бу вазифани шараф билан бажарди.

Юртбошимиз Рустамни рағбатлантириш мақсадида унга иккинчи марта энг замонавий компьютер совға қилди. Рустам бу юксак эътиборга жавобан «Энди бутун ғайратимни жаҳон чемпиони бўлиш учун курашга қаратаман», деб ваъда берди. У 1998 йилдаёқ Остонада ўтказилган саралаш мусобақасида ғолиб чиқиб, 1999 йилда Лас-Вегасда уюштириладиган жаҳон чемпионатига йўлланма олди. Бу билан Рустам жаҳон чемпионлиги учун курашга киришганини амалда исботлади.

Тарихдан маълумки, жаҳон чемпионлиги йўли машаққатли ва узоқ бўлади. Кимдир бу йўлда чарчайди, кимдир чекинади. Рустам эса машаққатларга бардош бериб, чемпионлик сари олға интилди. У Ливиянинг Триполи шаҳрида ташкил этилаётган жаҳон чемпионатига шу ниятини амалга ошириш учун борди. Бироқ холисанилло айтсак, шу шаҳарга келган 127 нафар шоҳмотчининг ҳам нияти жаҳон чемпиони бўлиш эди.

Жаҳон чемпионати биринчи босқичида коста-ригалик, иккинчи босқичида эронлик рақибини бир хил — 1,5:0,5 ҳисобида ютган Рустамга аввалига мутахассислар унчалик эътибор беришмади. У учинчи босқичда украиналик Василий Иванчукни енгиб, барчанинг эътиборини ўзига қаратди. Ахир, Иванчук охирги жаҳон чемпионати финалида ўйнаганди-да. Бунинг устига асосий икки ўйин дуранг билан якунланди. Рустам қўшимча тезкор икки ўйинда ҳисобни ўз фойдасига ҳал қилди — 1,5:0,5. Тўртинчи босқич — нимчорак финалда Рустам венгриялик таниқли гроссмейстер Золтан Алмаши устидан ишонарли ғалаба қозонди — 2:0. Чорак финалдаги рақиби россиялик иқтидорли гроссмейстер Александр Гришук бўлди. Яна асосий икки ўйинда кучлар нисбатан тенг келди. Тезкор икки ўйинда ғалаба қозонган Рустам ярим финалга чиқди. Кўпчилик мутахассислар ғолибликни унинг рақиби Веселин Топаловга «ҳадя» этишди. Фақат ҳиндистонлик гроссмейстер Вишванатан Анандгина ярим финал қатнашчилари имконияти тенглигини, улар орасида Рустам тезкор шоҳмотда яхши ўйнашини таъкидлади.

Тезкор шоҳмот бўйича ўтказилган жаҳон кубоги финалида Рустам билан баҳслашган Ананднинг фикри тўғри чиқди. Асосий тўртта ўйинда ғолиб аниқланмади — 2:2. Қўшимча тезкор икки ўйинда ҳам Топаловни таслим қилган Рустам финалга йўлланма олди. Уни финалда англиялик кучли гроссмейстер Майкл Адамс кутиб турарди.

Англия шоҳмот мактабининг ҳам бой тарихи бор. Британия миллий музейида шу заминдан топилган XI-XII асрларга оид шоҳмот доналари сақланади. XVIII аср ўрталаридан Лондонда шоҳмот клублари тузилган. Бу клубларда Филидор каби буюк шоҳмотчилар маъруза ўқиш учун таклиф этиб турилган. Агар Шарқда биринчи халқаро мусобақа 819 йилда уюштирилган бўлса, Ғарбдаги илк шундай мусобақа 1851 йилда Лондонда машҳур шоҳмотчи Стаунтон томонидан ташкил этилган. Албатта, Англияда жуда кўплаб таниқли шоҳмотчилар етишиб чиққан. XX аср охирларига келиб Англияда Майле, Нанн, Спильман, Шорт каби қатор етакчи гроссмейстерлар пайдо бўлди. Улар орасида Найжел Шорт жаҳон чемпионлигига асосий даъвогар бўлиб турди. Қизиғи, 1989 йилда ана шундай гроссмейстерларни ортда қолдириб, 18 ёшли Майкл Адамс Англия чемпионлигини қўлга киритди. Шу ғалабадан руҳланган Адамс юксак натижаларни кўзлаб дона сураяпти. Унинг ярим финалда озарбойжонликларнинг янги умид юлдузи Ражабовни осонгина мағлуб этгани Адамс кучи-имконияти тўғрисидаги тасаввурларимизни кенгайтиради.

Қосимжонов — Адамс учрашувини Шарқ ва Ғарб шоҳмот мактаблари баҳси, дейиш мумкин. Бир томонда шоҳмот ватанларидан бирининг вакили, иккинчи томонда шоҳмотни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган мамлакатлардан бирининг спортчиси. Дастлабки ўйинда оқ доналарни бошқарган Адамс таклифига кўра, 18-юришдаёқ дурангга имзо чекилгач, баҳс осойишта кечади, дея тахмин қилинганди. Аммо иккинчи ўйиндан очиқ «жанг» бошланди. Рустамнинг ҳар бир ютуғига Адамс жавоб қайтарди. Фақат 6-ўйинда томонлар яна битимга келишишди.

Яна асосий ўйинларда дуранг, яна қўшимча тезкор ўйинлар. Адамс жаҳон чемпионати давомида қўшимча ўйинларда қатнашмагани, Рустамнинг учта қўшимча ўйинда ғалаба қозонгани учун барча мутахассислар бизнинг юртдошимиз имкониятини юқори баҳолади. Аммо тезкор шоҳмотда кутилмаган натижалар қайд қилиниши мумкин. Ниҳоят, биринчи қўшимча ўйинда оқ доналарни бошқарган Адамс дастлаб бироз устунликка эришди. Рустам эса ўйин давомида вазиятни тенглаштирди ва ғолиблик сари дадил интилди. Кескин ўтган ўйиннинг 62-юришида Адамс қаршиликни тўхтатди.

Рустамнинг биринчи ғалабасини эшитган, ойнаи жаҳон орқали кўрган ҳар бир юртдошимиз иккинчи ўйинни ҳаяжон билан кузатишда давом этди. Фақат бир ўзбекистонлик, яъни Рустам Қосимжоновгина рақибига қарши хотиржам дона суришда давом этди. Чунки, ярим ҳақиқат ҳақиқат бўлмагандай, битта ғалаба ҳали ғалаба эмас. Узоқ давом этган иккинчи ўйин дуранг билан якунланди. Умумий ҳисобда халқимиз кутган ҒАЛАБА! **Рустам Қосимжонов — жаҳон чемпиони!!!**

2004 йил 13 июль, Ливиянинг Триполи шаҳри. Бу сана Ўзбекистонимиз тарихига, спортимиз тарихига зарҳал ҳарфларда ёзилди. Ҳали бу сана ғурур билан, ифтихор билан юртдошларимиз томонидан кўп бор эсланади. Ахир, ўзбек фарзанди Рустам Қосимжонов жаҳон шоҳмот тождори. Бугундан бошлаб Стейницдан бошланувчи жаҳон чемпионлари рўйхати ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов номи билан ниҳоясига етади.

Мутахассислар XX аср сўнггида спортчиларимиз эришган ғалабаларга таяниб, йигирма биринчи аср ўзбек спортчилари асри бўлади, деб башорат қилишганди. Мана, XXI асрда дастлабки залворли ғалаба Рустам Қосимжонов томонидан бошлаб берилди. Маълумки, Мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи катта ғалабаси 1992 йилда шоҳмотчиларимизнинг Манилада ўтказилган жаҳон шоҳмот олимпиадасида бошланганди. Бу муваффақиятга спортчиларимизнинг кейинги ғалабалари уланиб кетганди. Ишончимиз комил, Рустам бошлаб берган ғалабани спортчиларимиз Афина олимпиадасида давом эттиришади.

Бугун ўзининг тарихий ғалабаси билан Ўзбекистонимиз довруғини оламга яна бир бор таратган, миллатимиз шаънини улуғлаган, бизга олам-олам қувонч бағишлаган Рустам Қосимжонов интернет орқали мактуб йўллабди. Унда жаҳон шоҳмот қиролининг дил изҳори шундай баён этилган: **«Мен бу ғалабамни отам ўрнида оталик қилган муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовга, Ўзбекистонимизнинг 13 йиллик мустақиллик байрамига бағишлайман!..»**

Бу ўз Президентига, ўз халқига жаҳон чемпиони бўламан, деган ваъдасини шараф билан уддалаган мард ўзбек ўғлонининг дил сўзларидир!

**Асрор МЎМИН**



1993 йил, Рустамжон онаси билан

# ҲАММАНИНГ ҚАЛБИДА БИР ШОДЛИК, БИР ҒУРУР

**РУСТАМнинг опаси Умиданинг дил сўзлари:**

— Очиғи, жуда қаттиқ ҳаяжондаман. Рустамнинг шундай улкан ғалабаларга эришишини доимо орзу қилиб келганмиз. Укамнинг ҳар бир босқичдаги учрашувларини зўр ҳаяжон билан кузатиб бордик. Унинг ғалаба қозонганлигини телевизор орқали кўриб, эшитиб қувонганимдан йиғлаб юбордим.

Укамнинг жаҳон чемпионатидан қайтишини унинг оиласи билан кутиб олиш учун ойим ва акам Хуршид олти кун муқаддам Германияга кетишганди. Бугун-эрта барчалари юртимизга етиб келишади. Мен ўзим «Ҳувайдо» маҳалласига келин бўлиб тушганман. Шу туфайли тай-брек баҳслари якунлангач, уйга — ойимларникига келдим ва бизни табриклаш учун хонадонимизда йиғилган маҳалла-кўй, меҳмонларни кўриб, тўғриси, довдираб қолдим. Рустамнинг ғалабасидан шодланган юртдошларимизнинг табрикларини қабул қилар эканман, шундай укам борлигидан янада фахрланиб кетдим. Шундай ҳаяжонли лаҳзаларда умринг узоқ, толеинг порлоқ бўлсин, укажон, дегим келади.

**Нурхон НАФАСОВ, Ўзбекистон Миллий каратэ федерацияси президенти:**

Телевидение орқали намойиш этилган тай-брек партияларини сўнгги сонияларгача зўр ҳаяжон билан кузатдим. Ўзбек ўғлони — жаҳон чемпиони, деб эълон қилинган заҳотиёқ Қосимжоновлар хонадонига уларни ғалаба билан қутлагани шошдим. Мен шахсан ўзим ва мамлакатимизнинг барча каратэчилари номидан Рустамни чин юракдан табриклайман. Унинг бу улкан ютуғи яна бир ойдан сўнг Афинада бўладиган XXVIII ёзги олимпиада олдидан ҳамюртларимизга муносиб совға бўлди. Ишонаманки, Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпионатидаги ғалабаси Ватанимиз спортчиларини янгидан-янги зафарлар сари илҳомлантиради.

**Акром ТОШХЎЖАЕВ, шоҳмот бўйича спорт устаси, шоҳмот шарҳловчиси:**

— Рустам Қосимжонов чин маънода қаҳрамонлик кўрсатди. Унинг ёшида жаҳоннинг супер гроссмейстерларига қарши муносиб дона суриш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Жумладан, бугуннинг машҳур шоҳмотчилари Василий Иванчук (Украина), Золтан Алмаши (Венгрия), Веселин Топалов (Болгария), Александр Гришчук (Россия), Майкл Адамс(Англия)ларни мағлубиятга учратган Рустам дунё шатранж оламида улуғ эътирофга сазовор бўлди. Бу нафақат Рустамнинг, балки бутун ўзбек халқининг, Ўзбекистоннинг ғалабасидир.

Шоҳмот мутахассислари Триполида ўтган жаҳон чемпионатида ўзбек фарзандининг ғолибликни қўлга киритишини хаёлларига ҳам келтиришмаганди. Кўпчилик Иванчук, Топалов, Гришчук ҳамда Адамсларни жаҳон чемпионлиги учун асосий даъвогарлар деб ҳисоблашаётганди. Ҳатто, аксарият шоҳмот экспертлари Болгариянинг энг кучли гроссмейстери Веселин Топалов чорак финалга йўлланма олгач, «У қолган босқичларни сўзсиз ғалаба билан тугатади. Топаловнинг бошқа партияларда дона суришига ҳожат қолмади. Шу боис, болгариялик гроссмейстерга шоҳмот тожини кийдираверишга мумкин», деган фикрларни билдирганди. Рустам унга қарши ишончли ўйнаб, бу фикрларнинг хомхаёл эканлигини исботлади.

Қосимжоновнинг жаҳон чемпионлигини қўлга киритганлиги юртимиз шоҳмотида юксалиш даври бошланганлигини кўрсатиб турибди. Рустам Қосимжоновнинг эришган улкан ютуғи эса келгусида Ўзбекистондан яна янги-янги шоҳмот юлдузлари етишиб чиқишига хизмат қилади.

**Насиба ҚОДИРОВА, Қосимжоновларнинг маҳалладоши:**

— Рустамжонни болалигидан яхши биламан. Мана шу хонадонда униб-ўсди. Меҳринисо опа бошқа ўғил-қизлари каби уни ҳам меҳр билан ҳеч кимдан кам қилмасдан катта қилдилар. Бугун Рустамжон оналари берган оқ сутларини оқлади. Маҳалламизнинг фахри бўлди. «Олмазор» маҳалламизнинг ҳам бутун дунёга танилишига катта улуш қўшди. Рустамжон чемпион бўлишидан аввалроқ уйларига чопқиллаб келдик. Унинг жаҳон чемпиони бўлганлигини уларнинг хонадонларида кутиб олдик. Уларнинг уйларида тумонат одам. Қосимжоновларни қутлагани барча маҳалла-кўй, таниш-билишлари, кўплаб азиз меҳмонлар дарёдай оқиб келаяпти. Маҳалламиз учун, Қосимжоновлар учун бундан улуғ фахр, бахт бўлмаса керак. Бу оилани чин юракдан табриклайман. Рустамжоннинг ризқи бутун, умри узоқ бўлсин! Бундан ҳам катта ғалабаларга эришсин. Маҳалламизда ҳам Рустамжонга ўхшаган чемпионлар кўпаяверсин.

**Дилбар ОРИФЖОНОВА, амакисининг келини:**

— Ҳозир жуда ҳаяжондаман. Амакимиз Машруқ ака бевақт ҳаётдан кўз юмиб, ўғлининг бахтини кўра олмадилар. Лекин келинойим Меҳринисо опа ҳам она, ҳам ота бўлиб Рустамни тарбиялади. Мана бугун фарзандларига берган таълим-тарбияларининг мевасини ҳамма кўриб турибди.

**Етти ёшли ИБРОҲИМЖОН шундай деди:**

— Рустам ака қўшнимиз бўлади. У кишини телевизорда кўрсатишди. Ўзим уч ойдан бери сузишга бораман. Рустам аканинг шоҳмот ўйнаб, чемпион бўлганлигини эшитдим. Уларнинг уйларига жуда кўп катта одамлар гуллар билан келганлигини кўриб, Рустам акамга ҳавасим келди. Энди мен ҳам шоҳмот ўйнайман. Катта бўлсам, албатта Рустам акамга ўхшамоқчиман.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 862
7307 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA